БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 170 (4629).

29 АВГУСТ СЕШАНБА 1972 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

КПСС ОЛТОЙ ЎЛКА КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

27 август куни Барнаулда КПСС Олтой ўлка комитетининг кенгайтирилган пленуми бўлиб ўтди. Пленум 1972 йилги халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш соҳасида ўлка партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилди. Ҳосил ўрим-йиғимини ўтказиш, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш масалалари пленум қатнашчиларининг диққат марказида турди.

Мажлис аҳли қизғин кутиб олган КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев пленумда нутқ сўзлади.

Пленум ўлка партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. В. Георгиев докладини эшитди. Пленумда шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, меҳнаткашлар депутатлари Советлари ижроия комитетларининг раислари, ўлкадаги колхозлар, совхозлар ва саноат корхоналарининг раҳбарлари сўзга чиқдилар. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ТАСС).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ОЛТОЙ ЎЛКАСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Олтой ўлкасида бўлган вақтида М. А. Лисавенко номли Олтой богдорчилик тажриба станциясини бориб кўрди. У Олтойда ва Сибирда мевали ва резавор экинларнинг навларини ўстириш билан танишиб чиқди, дендрарий билан танишди. Бунда Европа, Осиё ва Шимолий Америкада ўсадиган ўсимликларнинг қўдан-кўп коллекцияси тўпланган. Л. И. Брежнев Олтой қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институтида ва Барнаул шина заводида бўлди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев 28 августда Барнаулдан Красноярскка жўнаб кетди. Ўртоқ Л. И. Брежневни аэропортда Олтой ўлкаси партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. В. Георгиев, ўлка ижроия комитетининг раиси ўртоқ И. И. Молчанинов, КПСС ўлка комитети бюросининг аъзолари, ўлка партия комитети ва ўлка ижроия комитетининг масъул ходимлари узатиб қолдилар.

Ўша куни ўртоқ Л. И. Брежнев Красноярскка етиб келди.

(ТАСС).



Тўққизинчи бешйиллик план топшириқларини бажариш учун бел боғлаган дала гвардиячилари зўр бериб пахта теримига тайёрланмоқдалар. Умумхалқ мусобақасига қўшилиб бу йилги мавсумда кўпроқ пахта териш учун ўз зиммаларига юксак мажбурият олмоқдалар. Кўплар қатори Янгийўл районидаги Фрунзе номли колхознинг звено бошлиғи Мухтор Абдазов мавсумда ўз агрегати билан 120 тонна «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олган. Суратда: (чапдан) М. Абдазов, ўнгдаги суратда, Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозининг механизаторлари Лн ИР Бон ва Пак Владимир техниканинг қандай тайёр эканлигини кўздан кечирмоқдалар.

А. Абалян фотолари.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА ВЦСПСДА

ФАН ВА ИЛҒОР ТАЖРИБА ЮТУҚЛАРИНИ ПРОПАГАНДА ҚИЛИШДА ВА ШУ ЮТУҚЛАРНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИГА ЖОРИЙ ЭТИШДА СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ВИСТАВКАСИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС фан ва илғор тажриба ютуқларини пропаганда қилишда ва шу ютуқларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жорий этишда СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг ролини ошириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Қабул қилинган қарорда айтиладики, СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг қишлоқ хўжалигида фан ва илғор тажриба ютуқларини пропаганда қилиш борасидаги иш даражаси ҳамон замонавий талабларга жавоб беролмаётир. Қишлоқ хўжалиги ходимларининг СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида қатнашиш, ҳуқуқи учун мусобақаси оммавий характер касб этмади. Виставка илғор тажрибаларнинг ҳақиқий умумхалқ мактаби бўлиб қолгани йўқ, унда деҳончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш прогрессив технологиялари, меҳнат ва бошқаришни илмий асосда ташкил этиш ишлари кам пропаганда қилинмоқда. Бу муҳим ишда юзакичилик ҳоллари учраб туради, экспонатларни актив кўрсатиш воситаларидан кенг кўламда кўланилмаяпти.

СССР Министрлар Советининг Фан ва техника давлат комитети, СССР Қишлоқ хўжалик министрликлари; бошқа министрликлар ва идоралар қишлоқ хўжалик фани ва техникаси ютуқларини, илғор колхоз ва совхозлар, саноат корхоналари эришган ютуқларни, шунингдек қишлоқ хўжалигини техника жиҳатидан қайта қуроллантиришда актив қатнашаётган саноат корхоналари эришган ютуқларни СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида кўрсатилишини яхшилашда тегишли таъсир кўрсатмаяптилар. СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида намойиш этилаётган ютуқлар газета ва журналларнинг саҳифаларида, радио ва телевидение эшиттиришларида етарлича тўла-тўкис ёритилмаяпти.

Бир қанча областлар, ўлкалар ва республикалардаги партия ташкилотлари, совет, касаба союз ва қишлоқ хўжалик органлари СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси қатнашчиларининг тажрибаларини яхши ёймаяптилар, энг яхши хўжаликлар, бригадалар, звенолар ва илғорларнинг илғор иш методларини пропаганда этиш ва жорий қилишда республика, ўлка ва область виставкаларининг имкониятларидан тўла йўсинда фойдаланмаяптилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва Касаба Союзлари Бутуниттифоқ Марказий Совети қишлоқ меҳнаткашларини партия XXIV съезди қарорларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этишда СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг Бош комитетига, Қишлоқ хўжалик, Сув хўжалиги ва ўрмон хўжалиги, Машинасозлик, Химия саноати, Қишлоқ қурилиши министрликлари ва идораларига, касаба союзлари Марказий Комитетларига қишлоқ хўжалигидаги фан-техника тараққиётини, колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, шунингдек қишлоқ буюртмаларини бажарувчи саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларининг ишидаги юксак натижаларга эришишни таъминловчи методлар ва воситаларни ҳар томонлама ёритишни асос қилиб олиб, фан ва илғор тажриба ютуқларини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида пропаганда қилиш ва уларни кенг кўламда жорий этиш вазифасини топширди.

(Давоми 2-бетда)

ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Республика колхоз ва совхозлари дағал хашак тайёрлаш йиллик планини бажардилар. Қарийб 2,8 миллион тонна—ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 400 минг тонна кўп дағал хашак ғамлаб қўйилди. Сурхондарё областининг хўжаликлари топшириқни бир ярим баравар ошириб бажардилар, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Андижон областларининг колхоз ва совхозлари ҳам топшириқларни ошириб адо этдилар.

Дағал хашак тайёрлаш давом этмоқда. Ҳар куни фермаларга 25 минг тонна ва ундан ҳам знёдроқ пичан ташиб келтирилмоқда.

Республика чорвадорлари беш йилликнинг иккинчи йилида мўлжалланган маррага эришиш—3,3 миллион тоннага етказиб дағал хашак тайёрлаш учун ҳаракат қилмоқдалар.

(ЎзТАГ).

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Тошкент область ва шаҳар статистика бошқармасининг берган хабарига кўра пойтахт области ва шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари тўқизинчи бешйиллик иккинчи йилининг планини муддатидан олдин бажариш учун соцналистик мусобақага қўшилиб, саноат маҳсулотини ва бошқа бир қанча муҳим буюмларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш саккиз ойлик планини 28 августда муддатидан олдин бажардилар.

МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРНИНГ ИШИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛСИН

28 августда Тошкентда совет ходимларининг республика кенгаши бошланди. Кенгашда Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг, Тошкент область ижроия комитети ва шаҳар ижроия комитетининг раислари, секретарлари, бўлим мудирлари, меҳнаткашлар депутатлари шаҳар ва район советлари ижроия комитетларининг раислари, республика министрликларининг ва идораларининг раҳбарлари, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети ашаратларининг масъул ходимлари қатнашмоқда.

Кенгашни КПСС Марказий Комитетя Сиёсий Бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов очди. У ўзининг кириш сўзида экономика ва маданиятни ривожлантиришда, халқ фаровонлигини юксалтиришда, тўқизинчи беш йиллик топшириқларини ҳамда СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига олинган юксак социалистик мажбуриятларни муваффақиятли амалга оширмоқ учун ҳамма ишларни қилиши лозим бўлган маҳаллий советларнинг вазифалари ошиб бораётганлигини айтиб ўтди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Н. Ж. Худойбердиев «Республика меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий советлари ишининг аҳволи ва КПСС XXIV съездининг қарорлари асосида уларнинг фаолиятини янада яхшилаш чоралари тўғрисида» доклад қилди.

Кейинги вақтларда республиканинг кўпгина маҳаллий советлари ўз фаолиятининг даражасини оширдилар. Давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қилиш соҳасидаги ҳуқуқларини кенгайтириш чоралари бунга анчагина ёрдам берди.

Партия XXIV съездининг кўрсатмаларига, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорларига мувофиқ маҳаллий советлар беш йиллик топшириқларининг муваффақиятли бажарилишига эришмоқдалар, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг резервларидан самарали фойдаланиш, меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжлари ва талабларини тағин ҳам тўлиқроқ қондириш чораларини кўрмоқдалар.

Шу билан бирга докладда уқтириб айтилдики, маҳаллий советларнинг ишларида ҳали ҳам анчагина камчиликлар бор. Барча ходимларнинг, барча депутатларнинг диққат-эътибори шу камчиликларни тугатишга қаратилиши лозим.

Маҳаллий советларнинг муҳим вазифаси шуки, улар айрим корхоналар орқада қолаётганлигига нималар сабаб бўлаётганлигини текшириб билишлари, аҳоли кўпроқ талаб қилаётган молларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш чораларини кўришлари лозим. Социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиниши керак.

Маҳаллий советлар ва ижроия комитетларининг энг биринчи бурчи шуки, улар юбилей йилида йиғим-терим ишларини намунали ўтказишлари. Ватанга 4,5 миллион тонна пахта бериш тўғрисида олинган мажбуриятларнинг ҳеч сўзсиз бажарилиши учун зарур чораларнинг ҳаммасини кўришлари лозим. Чорвачиликни, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча тармоқларини ривожлантиришга доир комплекс чораларни амалга ошириш, илғор колхозлар ва совхозлар тажрибасини кенг ёйиш керак.

Капитал ва уй-жой қурилиши суръатларини тезлаштириш, аҳолига хизмат кўрсатиш, коммунал хўжалик, савдо, транспорт ва алоқа корхоналарининг, медицина муассасаларининг, маориф ва маданият органларининг ишларини такомиллаштириш, жамоат тартибини сақлаш ва социалистик қонунга риоя қилиш, меҳнаткашларнинг шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқиш масалалари борасида маҳаллий советлар олдида ҳал қилиниши лозим бўлган катта вазифалар турибди. Мана шуларнинг ҳаммаси советларнинг ташкилий-оммавий ишларини кучайтиришни социалистик демократия принципларининг аниқ амалга оширилишини талаб қилади.

Кенгашда Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг раиси Д. Ешимбетов, Сирдарё район ижроия комитетининг раиси У. Хўжаев, Самарқанд шаҳар ижроия комитетининг раиси Т. Назиров, Москва район ижроия комитетининг раиси Д. Бадалов, Ангрен шаҳар ижроия комитетининг раиси Н. И. Юрин, Ўзбекистон ССР Ички ишлар министри Ҳ. Ҳ. Яҳёев, Шаҳрисабз район ижроия комитетининг раиси М. Муҳамадиев, республика аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министри А. И. Бродова, Навоий шаҳар ижроия комитетининг раиси Б. А. Наврузов, Чилонзор район ижроия комитетининг раиси Б. И. Бутров, Термиз шаҳар ижроия комитетининг раиси Т. Хўжақулова, Бухоро область ижроия комитетининг раиси Ш. К. Хайруллаев, Қўқон шаҳар ижроия комитетининг раиси М. Маллаев, Ўзбекистон ССР Молия министри В. Муродхўжаев сўзга чиқдилар.

Республика кенгашининг ишида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Г. М. Орлов, С. Р. Расулов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, С. К. Зиёдуллаев, М. Турсунов, А. Р. Хўжаев, СССР Министрлар Совети аппаратининг масъул ходими Д. Е. Шупиков қатнашмоқдалар.

Республика кенгаши ўз ишини давом эттирмоқда. (ЎзТАГ).

МЕХАНИЗАТОРЛАР КЕНГАШИБ ОЛДИЛАР

ОБЛАСТЬ МЕХАНИЗАТОРЛАРИ КЕНГАШИДАН

26 август куни Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозида область механизаторларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашга район партия комитетларининг биринчи секретарлари, район ижроия комитети раислари, район комсомол комитетларининг секретарлари, район халқ контроли комитетларининг раислари, қишлоқ хўжалик бошқармалари бошлиқлари, «Узсельхозтехника» район бирлашмаларининг бошлиқлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сифат бўйича бош инспекторлар, хўжалик раҳбарлари, пахта териш машиналари механик-ҳайдовчилари ва қишлоқ хўжалиги илғорлари таклиф этилган эдилар. Пахта териш машиналари механик-ҳайдовчиларининг область кенгашини область партия комитетининг биринчи секретари **М. М. Мусахонов** очади.

Кенгашда область ижроия комитети раиси **С. А. Асомов** «Пахта ҳосилини машина билан териб олиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни бажариш тадбирлари ҳақида» доклад қилди.

— Улуғ ва катта байрам СССР ташкил этилган кунининг эллик йиллигига саноқли кунлар қолди, дея ўз нутқини бошлади докладчи. Бу улуғ тўйга муносиб тўҳфа билан бориш ҳар бир совет кишисининг олийжаноб фазилатидир. Ҳозирги кунда бутун меҳнаткашлар шу санага муносиб совға ҳозирлаш, КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, катта ютуқларни қўлга киритиш учун курашмоқда.

Областимиз меҳнаткашлари ҳам гайрат билан меҳнат қилиб, улкан ютуқларга эришмоқда. Областда галла, пилла, жун тайёрлаш планлари муддатидан илгари бажарилди. Давлатга гўшт, сут, тухум сотиш ойлик ва квартал планлари зиммаларига юқсак мажбурият олганлар. Далаларда ана шу мажбуриятга яраша ҳосил тўплаш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Деҳқонлар техникадан, ўғитдан, фан ютуқларидан ва илғорлар тажрибасидан оқилона фойдаланиб, ғўза парваришини сифатли ўтказадилар. Об-ҳаво шароити билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар мардонавор енгилди. Натижада майдонларда мўлжалдаги ҳосил тўпланди.

Терим ишларини муваффақиятли ўтказиш, зиммага олинган социалистик мажбуриятни ошириб бажариш ҳар жиҳатдан машина теримининг намунали ташкил этилишига боғлиқ. Буни областимизнинг азамат механизаторлари яхши биладилар. Шунинг учун ҳам улар йиғим-теримни ҳар томонлама пухта ҳозирлик билан қаршилашмоқда.

Йилдан-йилга деҳқончилик ишларини механизациялаш даражаси ортиб бораяпти. Айниқса пахта етиштириш ва уни йиғиб-териб олишдаги ишлар асосан техника кучи билан бажарилмоқда. Техникада пахта териб олиш, терим муддатини анча қисқартириш, маҳсулотга сифф бўладиган харажатни камайтириш имконини беради. Машина эндиликда чиндан ҳам деҳқоннинг содиқ дўсти бўлиб қолди. Кейинги беш йилликда областда машиналар билан делрли бир миллион тоннага якин пахта териб олинди.

1961 йилда машина терими салмоги атиги 14,4 процентни ташкил этган бўлса, ўтган беш йилликнинг охирига келиб 51,3 процентни ташкил этди. Ўтган йили эса 60 процентдан ошиб кетди. Пахта териш муддати анча қисқарди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ҚОРАКЎЛ РАЙОНИДАГИ «ПРАВДА» ВА БЎЗ РАЙОНИДАГИ «ПАРТИЯ ХХ СЪЕЗДИ» КОЛХОЗЛАРИ, УЛЬЯНОВ РАЙОНИДАГИ «МОСКВА» ВА ИЛЬИЧ РАЙОНИДАГИ «ПРАВДА» СОВХОЗЛАРИНИНГ ДАВЛАТГА ПАХТА СОТИШ ЮЗАСИДАН 1972 ЙИЛ УЧУН ОЛГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН БАЖАРИШ СОҲАСИДАГИ ТАШАББУСИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг жуда катта ёрдами, пахтакорларнинг фидокорона меҳнати туфайли республика колхоз ва совхозлари бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитида комплекс механизацияни, ғўза парваришининг прогрессив технологиясини кенг қўлланиб, пахтачилик миршкорларининг катта тажрибасидан фойдаланиб, юбилей йилида зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларни бажаришни таъминлайдиган миқдорда мўл пахта ҳосили етиштирдилар.

Эндиликда ҳосилнинг тақдири, унинг сифати теримга тайёргарлик ишларини ўз вақтида тугаллашга ҳамда теримни қисқа муддатда ва нобудгарчилиқка йўл қўймай ўтказишга боғлиқ.

Кўпгина хўжаликлар ғўза парваришини сусайтирмай, ҳосил теримини 15—20 иш кунида тугаллаш тадбирларини ишлаб чиқдилар ва пахта теримига кенг ҳозирлик кўрмоқдалар.

Қорақўл районидаги «Правда» колхозининг пахтакорлари давлатга пахта сотиш, ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил кўтариш ва мавсумда ҳар бир терим машинаси билан 160 тонна пахта териш юзасидан план ва социалистик мажбуриятларни муддатидан олдин бажариш имконини берадиган тадбирларни ишлаб чиқдилар ва амалга оширмоқдалар.

Бўз районидаги «Партия ХХ съезди» колхозининг механизаторлари пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 40 центнерга етказиш, давлатга пахта сотиш йиллик планини 15 иш кунида бажариш ва ҳосилнинг 80 процентини терим машиналарида териш мажбуриятини олдилар.

Ульянов районидаги «Москва» совхозининг ишчи ва мутахассислари пахта топшириш йиллик планини 25 сентябрда бажаришга ва етиштирилган ҳосилнинг 80 процентини машиналар билан териб олишга қарор қилдилар.

Ильич районидаги «Правда» совхозининг коллектини бу йил 15 минг тонна пахта етиштиришга ва ҳосилдорликни гектар бошига 30 центнерга етказишга, етиштирилган бутун ҳосилни пахта териш машиналари билан йиғиштириб олишга ва давлат планини 16—17 иш кунида бажаришга аҳд қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетя Қорақўл районидаги «Правда» ва Бўз районидаги «Партия ХХ съезди» колхозлари, Ульянов районидаги «Москва» ва Ильич районидаги «Правда» совхозларининг техника ва одам ресурсларидан тўлиқ унумли фойдаланиш, терим ишларига ҳар томонлама тайёргарлик кўриш ва уни пухта ташкил қилиш, ҳосил теримида социалистик мусобақа ғолибларининг иш тажрибасини кенг пропаганда қилиш асосида давлатга пахта сотиш планини 15—20 иш кунида бажариш соҳасидаги қимматли ташаббусини маъқуллади.

Область ва район партия комитетларига, колхоз ва совхозларнинг бошлангич партия ташкилотларига Қорақўл районидаги «Правда» ва Бўз районидаги «Партия ХХ съезди» колхозларининг, Ульянов районидаги «Москва» ва Ильич районидаги «Правда» совхозларининг қимматли ташаббусини кенг муҳокама қилиш, етиштирилган бутун пахта ҳосилини ўз вақтида йиғиб-териб олиш юзасидан ҳар бир хўжалик, бўлим ва бригадада конкрет тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди.

Республика ва область газеталари редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига Қорақўл районидаги «Правда» ва Бўз районидаги «Партия ХХ съезди» колхозларининг, Ульянов районидаги «Москва» ва Ильич районидаги «Правда» совхозларининг қимматли ташаббусини кенг ёритиш тақлиф қилинди.

МЕХАНИЗАТОРЛАР КЕНГАШИБ ОЛДИЛАР

(Боши 1-бетда).

Бу ишларни амалга оширишда механизаторларнинг хизмати гоят каттадир. Ўтган йили пахта теримини муваффақиятли ўтказишда механик-ҳайдовчилар катта ишларни амалга оширдилар. Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан С. Ўсеннов, «Бўка» совхозидан М. Ковалёва, Пискент районидаги 1-«Пискент» совхозидан С. Тошматов, Оққўрғон районидаги Ҳ. Олимжон номли колхоздан К. Амиршоев, «Ленинобод» колхозидан А. Низомов каби азамат механизаторлар мавсумда 150—220—250 тонна ва ундан ошириб пахта тердилар. Кўпгина механизаторлар мавсумда юқори кўрсаткичларга эришиб, эл ҳурматига сазовор бўлишди.

Ўтган йили катта ютуқ қўлга киритилди. Давлатга 389,7 минг тонна пахта сотилиб, ҳар гектар ердан 27,7 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Кўпгина районлар, колхоз ва совхозларда машиналардан тўла фойдаланиб терим ишлари юқори сифатли ўтказилди. 49 минг гектар майдондаги пахта ҳосили қўл меҳнатисиз терib олинди.

Илғор хўжаликларда теримни механизациялаштириш ва комплекс механизациядан фойдаланишда бундан ҳам юқори кўрсаткичларга эришилди. Кўпгина хўжаликларда ҳосилнинг 70—90 процентини «зангори кема»ларда терib олинди.

Бироқ терим ишларини механизациялаш даражаси қатор хўжаликларда ҳали талабга жавоб бермайди, дея сўзида давом этди ноғиқ. Бундай хўжаликларда машина теримининг салмоғи паст, нахтачиликни янада ривожлантиришга эса муносиб ҳисса қўшилмаяпти. Оққўрғон районидаги «Коммунизм», Вотинцев номли, С. Сегизбоев номли ва «Оққўрғон» совхозларида, Бекобод районидаги Ленин номли, 1, 2, 3-«Далварзин» совхозлари, Бўка районидаги Карл Маркс номли, Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли, Янгийўл районидаги Фрунзе номли, Жданов номли, Собир Раҳимов номли колхозларда ва бошқа хўжаликларда сурункасига машина терими плани бажарилмай қолмоқда. Бу хўжаликларнинг айримларида пахтачиликни механизациялаш ишлари ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган. Баъзи колхозларда механизациялаш ишлари 10—20 процентни ташкил этади.

Механизацияга ана шундай эътибор бермаётган хўжаликларда йиғим-терим ишлари чўзилиб, ортиқча сарф-харажатлар кўпаймоқда. Ғўза баргини тўкишда ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйилди. Янгийўл ва Ўрта Чирчиқ районидаги бир қатор хўжаликларда дефолиация анча кечикиб бошланди ва сифатсиз ўтказилди. Дефолиантлардан фойдаланишда ғўзаларнинг ҳолати, кўсакларнинг пишиб етилиш жараёни ҳисобга олинмади. Натижа машина теримининг чўзилиб кетишига, дала ишларининг сифатсиз бажарилишига олиб келди.

Бу йил областимиз колхоз ва совхозлари давлатга 400 минг тоннадан ортиқ пахта етказиб бериш, машиналар билан кам деганда 260 минг тонна пахтани терib олишга аҳд қилганлар. Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Министрлар Совети томонидан «Республика колхоз ва совхозларя ва тайёрлов пунктларини пахта терими ва тайёрлашга ҳозирлаш» ҳақида қабул қилган қарорида бу йилги муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу қарор ҳамманинг жанговар программасидир.

Областимиз хўжаликлари ҳам пахта теримига тайёргарликни кучайтириб, ўз ишларини шу қарор асосида ташкил этмоқдалар. Областимизнинг кўпгина район, колхоз ва совхоз механизаторлари бу йилги ҳосилнинг 70—80 процентини машиналар билан терib олишга аҳд қилди. Механизаторлар ўз зиммаларига олинган мажбурият олиб, бу йил машина билан ҳар йилгидан кўп ва сифатли пахта теришга сўз берди.

Оққўрғон районидаги «Озод» колхозидан Д. Пармонов, Бекобод районидаги Дзержинский номли колхозидан Х. Пардаев, Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан Т. Хирмонов, «Бўка» совхозидан М. Ковалёва, Пискент районидаги «Гулистон» колхозидан М. Мусаев ўртоқлар бу йилги мавсумда 200—300 тоннадан ошириб пахта терib бериш мажбуриятини олдилар.

Ҳосил йиғим-теримига пухта тайёрланиш ва тўкилишни масъулиятли даврдир. Ҳар бир хўжаликда техникани мавсумга шайлаш, ундан мумкин қадар унумли фойдаланиш; ички резервларни ва имкониятларни топиб, тўла сафарбар этиш энг муҳим ишдир.

Илғор хўжаликлар тажрибаси шуни кўрсатдики, ғўза қатор оралари бегона ўтлардан яхши тозаланган бўлса, культивация солиниб, тупроқ майинлаштирилса, механизмлар яхши созланса тўпланган ҳосил нобудгарчилигига йўл қўйилмаган бўлади. Шунингдек, тўкилган пахтани қўлда терish ўрнига подборщикларда териш имкони туғилади. Масалан, ўтган йили Бекобод районидаги «Победа» колхозида тўкилган пахталар қўлда терилганда ҳарбир тонnasи 70 сўмга тушди. Подборщиклардан фойдаланганда эса 25 сўмданга тўғри келди.

Шундан кўриниб турибдики, терим машиналари кўпроқ терish ва подборщиклардан моҳирлик билан фойдаланиш лозим. Агар биз механик подборщиклардан яхши фойдалансак, бу йил камида 60 минг гектар майдондаги пахтани қўл меҳнатисиз терib оламиз.

Пахтазорларда машиналарни юқори унум билан ишлатиш шу кеча-кундузда ҳар жиҳатдан тайёргарлик кўришга боғлиқ. Хозирги асосий вазифа мажзуд агрегатларни яна бир кўздан кечириб, бор камчиликни тезда тугатиш, машина ишлайдиган далаларнинг шароитини ўрганиш, тайёргарликни қайта кўздан кечиришдир. Ана шунда машиналар меёрида ишлайди. Пахта ҳам тўкилмайди, техника тўхтаб қолмайди.

Дефолиациянн сифатли ўтказиш ҳам машина теримининг муваффақиятини таъминлайди. Бу йил 272 минг гектар майдондаги ғўза дефолиация қилинади. Ўтган йилги камчилликларни ҳисобга олиб, ғўзанинг ривожланиши, об-ҳаво шароитлари, ҳосилнинг пишиб етилиш даражасини белгиловчи ҳолда дефолиацияни ўтказишга эътибор бериш керак.

Бу йил областимиз хўжаликларида «Тошкент-1», «Тошкент-2» навлари экилди. Бу нав ўсуви кучли ва сербарг бўлиши билан фарқ қилади. Тажрибада синаб кўрилган дефолиантлар ичида бутифос бу ғўза учун яхши таъсир кўрсатиши аниқланди. Ҳар гектар ерга 2—3 килограммдан бутифос сарфланганлиги маъқул. Дефолиацияни табақалаштирилган ҳолда ўтказишни таъминлаш керак. Бу теримнинг муваффақиятли ўтказилишига катта таъсир кўрсатади.

Ғўза баргини тўкишда қўл аппаратларидан ҳам кенг фойдаланилади. Далаларда 320 дан ортиқ ОТН—3—16, ОВХ—14 маркали трактор пуркагичлари ишлайди. Бу хилдаги механизмларни тайёрлашга алоҳида эътибор бериш керак.

Машина теримининг муваффақиятли ўтиши кадрларга боғлиқдир. Бу йил область колхоз ва совхозларида етти мингга яқин механизатор тайёрланди. Бу терим машиналарининг ишини икки сменада ташкил этиш имконини беради. Ёш механизаторларга ҳар тарафлама ёрдам бериш, уларни малакали механик-ҳайдовчиларга бириктириб қўйиш, тажрибали механизаторлар уларни ўз оталигига олиш ишларини ташкил этишлари керак. Айниқса, хотин-қиз механизаторларга ғамхўрлик қилиш лозим. Ана шундай қилганда бу йил кам деганда ҳар бир машинада 100 тоннадан пахта теришга эришилади.

Социалистик мусобақа илғорлари ва рационализаторлар сафини кенгайтириш, рўёбга келган янгиликни пайқаб олиш, уни тезда оммалаштириш ҳам машина теримини муваффақиятли ўтказиш механизаторларимизнинг маҳорати, машиналарнинг иш унумига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам районимизда ташкил этиш имконини беради. Ёш механизаторларга ҳар тарафлама ёрдам бериш, уларни малакали механик-ҳайдовчиларга бириктириб қўйиш, тажрибали механизаторлар уларни ўз оталигига олиш ишларини ташкил этишлари керак. Айниқса, хотин-қиз механизаторларга ғамхўрлик қилиш лозим. Ана шундай қилганда бу йил кам деганда ҳар бир машинада 100 тоннадан пахта теришга эришилади.

Социалистик мусобақа илғорлари ва рационализаторлар сафини кенгайтириш, рўёбга келган янгиликни пайқаб олиш, уни тезда оммалаштириш ҳам машина теримини муваффақиятли ўтказишни таъминлаш керак. Бу теримнинг муваффақиятли ўтказилишига катта таъсир кўрсатади.

Ғўза баргини тўкишда қўл аппаратларидан ҳам кенг фойдаланилади. Далаларда 320 дан ортиқ ОТН—3—16, ОВХ—14 маркали трактор пуркагичлари ишлайди. Бу хилдаги механизмларни тайёрлашга алоҳида эътибор бериш керак.

Машина теримининг муваффақиятли ўтиши кадрларга боғлиқдир. Бу йил область колхоз ва совхозларида етти мингга яқин механизатор тайёрланди. Бу терим машиналарининг ишини икки сменада

МЕҲНАТ — ШОН-ШУҲРАТ КЕЛТИРАДИ



СУРАТДА: биринчи «зангори кема» капитанлари шарафига ўрнатилган монумент-ёдгорликнинг очилишига бағишланган тантаналарда.

А. Абалян фотолари.

ЮБИЛЕЙ МАШИНАЛАРИ СОҲИБЛАРИ



Бозорбой НОРМАТОВ.

ҲАЁТ ажойиботларга тўла. Киши умрида не-не воқеаларнинг, ажойиб анъаналарнинг шоҳиди бўлмайди дейсиз. Шундай воқеалар ҳам бўладики, у киши ҳаётида абадий муҳрланиб қолади. Бозорбой ака Норматов ҳам ана шундай кишиларга мансуб. Унинг ҳаёти пахтачилигимиздаги катта ўзгаришлар, унинг тез равнақи билан боғланган. Бозорбой ака анъана яратган биринчи «зангори кема» капитани сифатида бутун республикамизга танилди, шон-шуҳрат топди.

...1942 йил. Чиноздаги Йўлтушган қишлоғи. Мудҳиш уруш бу ўзбек қишлоғига ҳам ноҳушлик солган. Катталар фронтга йўл олиб, ҳамма иш-юмуш аёлларга, ёшларга қолган. Ўшанда энди 13 га қадам қўйган Бозорбойни ким ҳам яхши танирди, дейсиз. Дарвоқе, ёш ўсмирнинг ўзи ҳам келажакда ким бўлиб етишишини аниқ тасаввур эта олмасди. Бироқ, механизатор бўлиш орзуси ўша кезиёқ юксакликка интилиб, кенг қанот қоқиан эди.

Бозорбой орзу сари дадил интилди. Уқувли, ғайратли ўсмир кўп ўтмай трактор рулига ўтирди. У пахта даласига ўз тракторини биринчи бор олиб кирган ўша қутлуғ кунни ҳозир бениҳоя тўлқинланиб хотирлайди.

ЙИЛЛАР ўтди. Уруш хатарлари ортда қолди. Буюк ғалаба овозаси оламни тутиб, бутун эл тинч меҳнат қучоғига қайтганда, 16 ёшли Бозорбой анча йирик механизатор эди. Унинг номини қишлоқда энди ҳамма билар, ҳурмат қиларди.

1949 йилнинг кузи Бозорбой учун яна ҳам қутлуғ келди. Шу мавсум Ўзбекистон пахта даларида дастлабки терим агрегатлари ҳайқира бошлади. Йўлтушган қишлоғига ҳам биринчи «зангори кема» кириб келди. Шу нарса диққатга сазоворки, бу — «Ташсельмаш» заводининг 1-номерли терим агрегати эди. Тажрибали пахтакордар, қишлоқ оқсоқоллари бу машинани Бозорбойга ишониб топширишди. Механизатор йигит ҳамқишлоқларини уялтирмади. Шу йили у СХМ—48-маркали агрегати билан 13 тоннадан ошириб «оқ олтин» териб берди.

СХМ-48 машинаси бир йил ўтгач, СССР давлат мукофотига сазовор бўлди.

ОРАДАН 4 йил вақт ўтди. Бутун мамлакатга янги ҳушхабар тарқалди: «Ташсельмаш» заводи конвейеридан 10 мингинчи терим машинаси тушди. Бирмунча такомиллашган ва серўнум янги машина — юбилей «зангори кема»си ҳам Бозорбой Норматовга туҳфа этилди. Механизатор йигит корхона коллективининг катта ишончини оқлашга сўз бериб, ўз аҳдининг устидан чиқди. Ўз агрегати бункеридан шу йили эл хирмонига 50 тоннадан зиёд пахта тўкди.

ЙИЛЛАР кетидан йиллар ўтаверди. Республикамиз пахта далаларида жавлон ураётган терим машиналарининг сони ҳам, улар териб бераётган ҳосилнинг эл хирмонидаги салмоғи ҳам тинимсиз орта борди. Оғир қўл меҳнати ҳисобланган пахта йиғим-терими ишларини буткул машиналар зиммасига юклаш даври бошланди. Ҳамма ишда машиналар деққонга чин мададкор бўлиб қолди. Ҳосил тақдирига ҳам механизаторлар жавобгар бўлишди. Бозорбой Норматовни алоҳида звенога бошлиқ қилиб тайинлашди. Энди у даланинг чинакам хўжайини бўлиб олди. Баҳорда ерга чигит экди, ёз бўйи ғўзасини ўзи парвариш қилди, кузакда ҳосилни ўз агрегати билан терди. Хирмонга каттагина қўр-барака кирди.

ЎТГАН йил Улуғ Октябрь байрами тантаналари арафасида Бозорбой Норматовни «Ташсельмаш» заводига таклиф қилишди. Янгийўл районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг донгдор механизатори корхонага кўп марта ташриф буюрган, коллективдагиларни яқиндан танисада, ўз ҳаяжонини боса олмасди. Чунки, унга бугун бутун ишчи-хизматчилар йиғинида 100 мингинчи машинани туҳфа этишади. Қандайин қувончли!

20 йил муқаддам биринчи агрегат рулига ўтирган қишлоқ механизатори завод дарвозасидан 100 мингинчи «зангори кема»ни фахр билан бошқараб келмоқда. Ўша машина — Бозорбой ака ва Султон Норматовлар бу тантаналарда биринчи «зангори кема» капитани, райондаги Киров номли колхоз бригада бошлиғи, Ленин мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Турсуной Охунова; «Қизил Октябрь» колхозининг раиси Жўра Очилов, шу колхознинг биринчи механик-ҳайдовчиси Бозорбой Норматов ва «Ташсельмаш» заводининг конструктори, Давлат махсус конструкторлик бюросининг бош инженери, Ленин мукофоти лауреати П. Глазатов ўртоқлар бирин-кетин минбарга чиқадилар. Митинг пайтида қишлоқ ҳунар-техника билим юртини битириб чиққан бир группа ёш механизаторларга тантанали суратда дипломлар топширилди.



Султон НОРМАТОВ.

Митинг тугайди. Мамлакатимизга донғи кетган механизатор Турсуной Охунова алвон лентани қирқади. Оркестрнинг тантанавор садолари остида монумент-ёдгорлик очилади. Шундан сўнг қудратли терим машиналарининг паради бўлди. Бу ажойиб парадни дастлабки терим агрегати рулида ўтирган Бозорбой Норматов бошқариб борди.

Ёдгорлик очилиши маросимида дастлаб партия комитетининг секретарлари Н. И. Малихин, З. Ҳ. Ҳўжаев иштирок этдилар.

Республикамиз механизаторларининг шонли ишларидан ҳикоя қилувчи бу ёдгорлик мактепи Островский номидаги Тошкент театр ва рассомчилик институтининг битирувчилари — М. Тухтаев, В. Логинов ва В. Чапленколар яратишган. Ёдгорликни буйёд этишда, унинг атрофини ободонлаштиришда Олмазордаги 1-қишлоқ ҳунар-техника билим юртининг бўлажак механизаторлари, колхоз меҳнаткашлари алоҳида жонбозлик кўрсатдилар.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.

„МИНГЛАР ШАРТНОМАСИ“ АМАЛДА

Ўз маҳсулотини Давлат сифат белгиси олиш учун тайёрлаётган Алимкент пахта заводининг коллективи Тошкент областида биринчи бўлиб янги ҳосил пахтасини қайта ишлашга тайёргарлигини тугатди. Заводнинг қуритиш-тозалаш цехи пахтани сортларга айириш процентини анча оширадиган этиб реконструкция қилинди. Барча технологик машина-ускуналар таппа-тахт қилиб қўйилди. Янги серунум қуритиш барабанлари ўрнатилди. Бундай барабанларнинг иш унуми икки баравар юқоридир.

«Минглар шартномаси»га биноан областдаги бошқа заводлар ҳам тола сифатини ошириш чораларини поёнига етказаяптилар. Бўка ва Қорасув пахта заводларида, шунингдек «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида қуритиш-тозалаш цехларига маҳсулотни ғоятда мусаффо қилиб чиқарувчи янги машиналар ўрнатилмоқда. Янги қуритувчи барабанлар ва бошқа техника ҳам ўрнатилмоқда.

(ЎзТАГ).

ЗАВОД ФАЙЗИ

Иш жойинг кўркам, баҳаво бўлса чарчоқ нималигини билмайсан, меҳнат қилган сари завқланасан, киши.

Айни кунларда пойтахтимиздаги йирик корхоналардан бири — 3-ноя заводида ана шу масалага жиддий эътибор берилмоқда. Биргина 1971—1972 йилларнинг ўзида бу ерда катта ўзгаришлар рўй берди. Завод территорияси анча кенгайтирилди, янги ётоқхоналар, чойхоналар, тўла автоматлашган цех қурилиб ишга туширилди. Ётоқхона олдидаги гулзорнинг кўркамлигини айтмайсизми? Айниқса, ҳиёбондаги дов-дарахтлар корхона файзига-файз қўшган. Жалилов, Абдураҳмонов ва Азизхонов сингари табаррук отахонлар ободонлаш ишларида кўпчилиққа бош-қош бўлишмоқда.

Кун сайин чирой очаётган бу завод коллективи айни кунларда юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқда. Меҳнатсеварлар юбилей йилида халқимизга пландан ташқари кўплаб сўлкилдоқ юклар етказиб бериб, СССРнинг ярим асрлик юбилейини муносиб кутиб олиш учун бор имкониятларини ишга солмоқдалар. Йиллик планни 28-декабргача, бешйиллик планни эса 5-декабрь — конституция кунигача бажаришга аҳд қилган корхона меҳнат аҳли — 1-ноя заводи ишчилари билан ўзаро мусобақалашиб, давлат планини тўла бажаришяпти.

И. ҲАСАНОВ.

Жаҳон янгиликлари

СОВЕТ МУТАХАССИСЛАРИГА МХР МУКОФОТЛАРИ

УЛАН-БАТОР. (ТАСС). Улан-Батордаги ҳукумат уйида Монголия Халқ Республикаси Буюк Халқ Хурали Президиуми раисининг биринчи ўринбосари С. Лувсан совет мутахассислари ва ишчиларидан катта бир группасига Монголия Халқ Республикасининг орден ва медалларини топширди. Совет мутахассислари ва ишчилари МХР ҳукуматининг ана шу юксак мукофотларига монгол ва совет халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишидаги хизматлари учун, МХРда социалистик қурилиш ишида бевосита самарали иштирок этганликлари учун сазовор бўлдилар.

КУБА МЕТАЛЛУРГЛАРИНИНГ МЕҲНАТ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

ГАВАНА. (ТАСС). Куба металлурглари меҳнатда янги муваффақиятларга эришганликлари ҳақида рапорт бермоқдалар. Хосе Марти номли ишлаб турган металлургия заводидаги 300-стан йил бошидан буён 59.600 тонна тайёр прокат ишлаб чиқарди. Бу эса мамлакатда бутун ўтган йил давомида чиқарилган тайёр прокат миқдорига тенгдир. Катта қувватга эга бўлган ва машина-механизмлар билан яхши таъминланган бу мураккаб иншоот совет мутахассислари ёрдами билан тўла-тўкис реконструкция қилинди. Совет мутахассислари мамлакатда ўзларининг кубалик дўстлари билан ёнма-ён ишламоқдалар. 300-стаининг маҳсулоти саноат корхоналари, уйжойлар, мактаблар, тўғонлар, автомагистраллар ва бошқа объектлар қурилишида кенг фойдаланилмоқда.

АГРЕССИЯГА ЧЕК ҚЎЙИЛСИН!

Совет тинчлик курашчилари АҚШ ҳукумати ВДРни бомбардимон қилаётганлигини ва унга қарши ҳамма уруш ҳаракатларини тўхтатишни, геноцидни тўхтатишни, ўз қўшинларини Жанубий Вьетнамдан дарҳол ва ҳеч қандай шартсиз олиб чиқиб кетишини, Вьетнам халқи, Лаос ва Камбоджа халқлари ишига аралашувини тўхтатишни қатъий талаб қилмоқдалар. Қўшма Штатлар авиацияси Вьетнам Демократик Республикаси тўғонларини бомбардимон қилишига қарши халқаро норозилик куни муносабати билан Совет тинчликни ҳимоя қилиш Комитети шундай баёнот берди.

Баёнотда таъкидланадики, ўзларининг интернационал бурчларига содиқ совет тинчлик тарафдорлари қаҳрамон Вьетнам халқининг одилона курашига бундан буён ҳам зарур ҳамма ёрдам ва ҳар томонлама мададни бераверадилар.

(ТАСС).

ҲИНДИ-ХИТОЙ ФРОНТЛАРИДА

НЬЮ ЙОРК. (ТАСС). Жанубий Вьетнам халқ озодлик қўшинларининг Куангчини ҳимоя қилаётган бўлинмалари душманнинг шаҳар марказига бостириб кириш йўлидаги янги уринишини барбод этдилар. Сайгон денгиз пиёдаларининг ана шу вилоят маркази чекка-ларида жойлашиб олган қисмларн Америка авиациясининг мадади билан ватанпарварлар позициясини ёриб ўтишга ҳара-кат қилдилар. Озодлик қўшлари қаттиқ тўп отиб, кўпгина қўшинларининг ва сўнгра мадад бераётган танкларининг ҳужумини қайтариб, уч участкада ўзлари қарши ҳужумга ўтдилар. ЮПИ агентлигининг хабар беришича, Сайгон денгиз пиёда бўлинмалари катта талафот кўриб, чекинди.

Хабар берилишича, халқ озодлик қўшинларининг баъзи бўлинмалари Данангдан жануброқда ўз ҳужумларини ривожлантириб, ҳозир катталиги жиҳатидан Жанубий Вьетнамдаги ана шу иккинчи шаҳардан қарийб 25 километр масофа нарида турибдилар.

Ватанпарварлар Тханьбинь район марказида душман кучларига қарата ўт очиб, қаттиқ зарба бердилар. Кўпгина қўшинларидан бирининг штаби яқинда шу ерда жойлашган эди. Ватанпарварлар бу районда душман позицияларини ўққа тутмоқ учун Американинг йирик калибрли тўпларидан фойдаландилар. Сайгон қўмондонлиги 5-ҳаво—десант полкининг командири қамоққа олинганлигини эълон қилди. У кўгирчоқ қўшинларининг Кюэшон водийсидан шошма-шошарлик билан чекинишда айбланди.



✦ ВДР. Вьетнам халқ армиясининг ҳаво ҳужумидан мудофаа қисмлари мамлакат тинч аҳолисини Америка авиацияси ҳужумларидан қаҳрамонона ҳимоя қилмоқда. Суратда: Тханьхоа вилоятининг ҳаво ҳужумидан мудофаа зенит отряди душман самолётларига қарата ўт очмоқда.

ВИА—ТАСС фотоси.

БИТИРИБ ЧИҚУВЧИЛАР ЛИБОСИ

Ўрта мактабларни битириб чиқувчилар учун Республика моделлар уйининг конструкторлари ва модачилари ишлаган янги либос формасини республика маориф министрлигининг коллегияси тасдиқлади. Бу форма бошқа синфлардаги ўқувчиларга тавсия этилган кийим-бошдан фарқ қилади.

Моделларнинг авторлари қиз болалар учун оч рангли ёзги ва тўқ рангли қишки ҳушбичим кўйлак таклиф қилдилар. Оқ ёқали бу кўйлаклар арзон ва қулай газламалардан тикилади. Учинчи синф ўғил болалари учун лавсан билан зигир толасидан тўқилган ва ғижимланмайдиган газламадан тикилган костюм тавсия қилинди. Комплектда пиджак ўрнига ҳаракатга осон кенг бичимли куртка бўлади.

Янги формага муносиб махсус пойафзал ҳам таклиф этилди.

ПИШИҚЛИК БАРИШЛОВЧИ МАТЕРИАЛ

Кварц қуми ўрнига волластонит қорилган бетон бир ярим баравар пишиқроқ бўлиб чиқди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг химия институтида шу оқиш пушти минералнинг ажойиб ҳоссаси тадқиқ этилди.

Силикат лабораториясида ўтказилган бир канча тажрибалар волластонит цемент қоришмаларининг химиявий чидамлилигини оширишини кўрсатди. Қиёслаб кўриш учун қоришмага қўшиладиган энг яхши материал — вольск кварц қуми олинди. Бетон 28 кун қотгач, волластонитли бетон ҳар квадрат сантиметрда 91,4 килограмм юкка чидаш берди. Қум ишлатилишини назарда тутиб, тузилган стандартдан бўйича эса шу кўрсаткич 65 килограммга етса кифоя эди. Шу бетон намуналари қисиб синалганда ҳам унинг характеристикалари шундай яхшиланди.

Республика территориясида волластонит запаслари катта. Қурилишда шу минералдан фойдаланиш жуда пухта конструкциялар ҳосил қилишга имкон беради. (ЎзТАГ).

МАКТАБЛАР БИРИНЧИ СЕНТЯБРГА ТАХТ

Пойтахтимизнинг Октябрь райони мактаблари янги 1972—1973 ўқув йилига ҳар томонлама тахт қилиб қўйилди. Ўқувчиларнинг ёзги каникуллари даврида райондаги мавжуд 43 та мактаб тўла сифатли ремонтдан чиқарилди. Шулардан 39 таси капитал ремонт қилинди, қолганлари эса жорий ремонт орқали бажарилди.

— Ана шулар учун 243 минг сўмлик маблағ сарфланди, — дейди район халқ маорифи бўлимининг мудири ўртоқ А. Сандаҳмедов. — Шунн қувонч билан айтиш керакки, янги ўқув йилига тайёргарлик кўришда оталиқ ташкилотларининг ёрдамлари катта бўлди. Корхоналар ва қурилиш ташкилотлари ўз ҳқтиёрларидаги мактаблар ремонти учун юз минг сўмдан ортиқ маблағ ажратдилар. Бу ўринда «Ўзбекгидроэнергострой» трести, турар-жойлар бўйича қурилиш монтаж бошқармаси ва «Ўзбекэнергоцветмет» трестининг ҳиммати алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим.

• Оталиқ ташкилотлари районимиздаги 19-, 40- ва 95-мактабларни ўз вақтида кўнгилдагидек ремонт қилиб бердилар. Фақат 95-мактаб ремонти учун оталиқ ташкилоти 40 минг сўмга яқин маблағ сарфлади.

Янги ўқув йилига совға тариқасида иккита болалар боғчаси қурилиб фойдаланишга топширилди. Уларнинг ҳар бирида меҳнаткашларнинг 280 фарзанди тарбия топади.

Район ўқитувчилари сафи ёш педагоглар ҳисобига бойиди. Бу йил 100 га яқин ёш ўқитувчи ўз фаолиятини бошлайди.

* * *

Ҳамза районн маорифчиларн ҳам биринчи сентябрни ёруғ юз билан кутиб олмоқдалар. Бу ерда янги ўқув йилига арзигулик совғалар ҳозирланди. Янги болалар муассасалари қурилди. Районнинг Рисовой кўчасида қад кўтарган билим ўчоғида 1104 ўқувчи таълим олади.

Ўз бағрига 280 кичкинтойни қабул қиладиган болалар боғчаси ҳам тайёр. Янгнобод массивидаги бу болалар маскани замонавий типда қурилди.

Ҳозир районда 28 та умумий таълим мактаби бор. Буларнинг ҳаммаси муддатидан олдин сифатли ремонт қилиниб, биринчи сентябрга тахт қилиб қўйилган. Жонажон мактабларни ремонт қилишда ва янги ўқув йилига тайёрлашда юқори синф ўқувчиларининг ҳам муносиб ҳиссалари бўлди. Канникуль даврида ўқувчилардан ташкил топган 43 бригада иш олиб борди.

Маориф ходимлари оталиқ ташкилотлари ёрдамларидан ҳам беҳад хурсанддирлар. Айниқса, «Подъёмник», «Газоаппарат» заводлари, темирбетон буюмлари заводи, «Мостремстрой»трести ва бошқа оталиқ ташкилотлари жанбозлик кўрсатдилар. Кўпчиликдан иш қочиб қутилмас деганларидек, ҳамма нарса сентябрга тахт қилиб қўйилди.

БОҒДА — ТЎҚИМАЧИЛАР БАЙРАМИ

Пойтахтдаги Киров номли маданият ва истироҳат боғи меҳнаткашларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқарадиган севимли жойларидан бири. Бу ерда уларнинг яхши дам олишлари учун тобора кўпроқ шароитлар вужудга келтирилмоқда. Боғда айниқса, тўқимачилик комбинатининг ишчи ва хизматчилари учун маданий хизмат кўрсатилаяпти.

Яқинда боғнинг соя-салқин йўлкалари, ёзги эстрада театри тўқимачилар ва уларнинг фарзандлари билан гавжум бўлди. Бу кун—тўқимачилар куни деб элон қилинди. Дарвозадан кираверишда сув сепилган шинам йўлка четларига фотостендлар қўйилган. Фотостендларда тўқимачилик комбинатининг зарбдор ишчилари, беш йиллик илғорларининг суратларини кўриш мумкин. Улар орасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Марҳамат Йўлдошева, Буолма Жўраева, бешйиллик план шахсий топшириқларини тўрт йилда бажариш ташаббуси билан чиққан донгдор тўқимачилар Лидия Казанцева ва Евгения Губиналар бор.

Ёзги театр биносида шодиёна кунниинг очилиш маросими бўлди. Комбинат бош инженери В. Зиков кириш сўзида тўқувчи Л. Казанцеванинг шу бугунга келиб эришган ажойиб ғалабаси хусусида тўхталди. У, машҳур тўқувчининг тўққизинчи бешйилликда ишлаб чиқарган миллионинчи метр газламасини шодиёна қатнашчиларига намойиш қилди. Сўнг, бу миллионинчи метр газлама комбинат тарих музейида сақланажагини айтди.

Шундан кейин комбинат ҳузуридаги ФЗУ мактаби битирувчиларини шонли ишчилар сафига қабул қилинишини билан табриклаймиз» шиори ёзилган қизил лентлар тақиб қўйилди. Уларнинг ҳар бирига шаҳодатномалар топширилгач, музика садолари ҳаммаёқни тутиб кетди.

Тантанали маросимдан сўнг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ярим асрлик тўйига бағишлаб, «Менинг бепоён Ватаним» циклидан кинофильмлар намойиш этилди. Республика қўғирчоқ театрининг артистлари эса ўз спектакллари билан тўқимачиларнинг фарзандларини хушнуд қилдилар. Фрунзе район хамда Тўқимачилар маданият саройи бадиий ҳаваскорларининг чиқишлари ҳам олқишларга сазовор бўлди. Рақс майдонида йигит-қизларнинг шўх кулгулари анча вақтгача тинмади.

— Ҳордиқ кунимиз жуда кўнгилли ўтди, — дейишди тўқимачилар. — Бунинг учун Киров номли маданият ва истироҳат боғи маъмуриятидан бениҳоя миннатдормиз.

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.

Ижод ишхонаси

РАҚС

Дутор янграр.
«Тановар» рақси,
Балиқ каби сузар раққоса.
Боши узра қўшнинг акси,
Тўлин Ойдан гўзал
раққоса.
Авжга чиқар доирачи ҳам,
Мангалайда марварид
томчи.
Рақс давом этади кўркам,
Юракларга бўлган илҳомчи.
Майин қўллар, нозик
бармоқлар
Ташна дилни сеҳрлар бу
кеч.
Рақс тушар ҳовуч —
ҳовуч зар.
Рақс тушар туганмас
севинч!
Раққосанинг кўзида меҳр,
Бағрида денгиз уммони
Табассуми севгига муҳр.
Табассуми чулғар дунёни!
Лабларида сеҳрли ибо,
Тақимини ўпар сочларин.
Кипригига илашган сабо,
Муҳаббатга ланг қулочлари!
Юз бир ёшли бувим завқ
билан
Раққосага тикар кўзларин.
Сўнг дер, кўксин тутганча
баланд,
(Сизга айтиб берай
сўзларин),
«Болам, айтчи, бу
бу ўйинчи қиз—
Фариштами ё Ер одами?
Ё осмондан тушган
чўғ юлдуз?..
Бу дунёда борликан
ғама?!..»
Дутор янграр.
Рақс этар давом...

ТЎЛҚИН.

СЎНГМИ ФОЖИАСИ

Она кўзларидан оқарди ёши.
Гўдагин босганда иссиқ
бағрига.
Бир олов тегди-ю, эгилди боши,
Ажал тортди уни машъум
қаърига.
Гўдак-чи, типирлаб ётарди
ерда,
Аланглаб жовдирар, танида
титроқ,
Шу чоқ бир жаллод отилиб
шердек,
Нораста бошига туширди
қўндоқ.
У қонга беланди, кўзлари
юмуқ,
Бир бор талпинди-ю, бўлиб
қолди жим.
Жаллод эса боқар лоқайд ва
совуқ,
Ғажишдан ҳам тоймас топса
иложин.
Бу мудҳиш манзара Вьетнам
ерида,
Ҳар соат, ҳар онда бўлмоқда
такрор.
Чунки, янкиларнинг
характерида
Инсоний ҳислардан асар йўқ
зинҳор.
Сўнгми фожиасин эшитди
жаҳон,
Қанча вьетнамликлар оқди
дарёда.
Бегуноҳ тўкилди қанча-қанча
қон,
Борлиқни чулғади гўдак
фарёди.
Ва лекин келади шундай бир
дамлар:
Вьетнамда ғам ўрнин эгаллар
кулгу.
Бухенвальд, Освенцим каби
одамлар
Сўнгги фожиасин унутмас
мангу.

Саидвали ҲАСАНОВ.



СУРАТДА: илғор ўқувчи Мукаррама Пўлатова.

Ф. Абдурасулов фотоси.

Ғайратли қизлар

Пойтахтимиздаги икки йиллик қизлар медицина билим юрти даволаш муассасаларига малакали ҳамшираларни тайёрлаб беради. Билим юртида кўп йиллардан буён одат тусига айланиб қолган ажойиб анъана бор. Келажакда «оқ халат» соҳиби бўлувчи қизлар ҳар йили колхоз ва совхозларга чиқиб дала ва боғларда етиштирилган мўл-кўл ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олишда миришкор деҳқонларимизга яқиндан ёрдам бериб келишади.

Сергайрат қизлар бу йил ҳам ҳайрли ишга маҳкам бел боғладилар. Улар ўз меҳнат семестрларини Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхози дала ва боғларида меҳнат завқини суриб ўтказмоқдалар. Қирққа яқин қиз боғларда етиштирилган баракали ҳосилни пешма-пеш териб олишда жонбозлик ва шижоат кўрсатаяпти.

Билим юрти қизлари мавсумда икки юз тоннадан зиёд мева териб беришга аҳд қилишган. Ҳозиргача улар совхоз боғларидан 150 тоннага яқин олма териб бердилар.

— Шаҳарлик ҳашарчи қизларнинг бегараз ёрдами деҳқонларимизга жуда қўл келяпти, —дейди учинчи бўлимнинг бригада бошлиги Саидаҳмад Билолов.— Улар боғларимизда етиштирилган олма, олхўри ва шу каби бошқа неъматларни тез ва сифатли қилиб териб бермоқдалар. Билим юрти қизларининг катта ҳиммати туфайли ҳар куни шаҳарликларга кўплаб тармева етказиб берилаяпти.

Чиндан ҳам бригада планининг муваффақиятли бажарилишида қизлар меҳнатининг катта ҳиссаси бўляпти. Ўқувчилардан Ҳамида Алимова ўз навбатида дугоналари ўртасида намуна бўляпти. У ҳар куни нормасини ошириб бажариб, икки юз килограммдан олхўри териб тошпирмоқда. Н. Абламетова, М. Қўчқорова, М. Пўлатова ва М. Одилова сингари ишчан қизлар ҳам илғорлар сафида боришяпти.

Куни кеча қизлар шафтоли теришга тушишди. Улар 30 тонна шафтоли териб беришга сўз беришган. Аҳдига вафодор ҳашарчи қизлар ўз аҳдларининг устидан, албатта, чиқишади.

Ҳар тўғрида

ТУЗ ҲАҚИДА СЎЗ

Туз инсон ҳаёти учун энг зарур нарса. Уни ҳеч қандай доривор билан алмаштириб, ўрнига ишлатиб бўлмайди. Одам маълум вақтгача нонсиз, гўштсиз, сабзавот ё мевансиз яшай олиши мумкин, аммо тузсиз бирор кун ҳам яшай олмайди.

Одам қони плазмасида ҳам ош тузи энг кўп моддадир. Организмда унсиз моддалар алмашинуви ҳам бўлмайди. Туз кислотаси бўлмаса ҳар қандай таом сингмайди. Тузсиз ҳаётни тасаввур қилиб кўрянг-чи? Шу боисдан ҳам инсон тузни улуғлайди, уни нон билан бир қаторда «нон-туз» деб, сувга ўхшатиб, «туз ичмоқ» деб тилга олади.

Шундай вақтлар ҳам бўлганки, кишилар хатто нонни тузга алмашганлар. Граждалар уруши даврида ҳам туз камчил бўлган. В. И. Ленин 1921 йил май ойида М. Фрунзега шундай деб ёзган эди. «Энди бутун Совет ҳокимиятининг асосий масаласи, биз учун ҳаёт-мамот масаласи — Украинадан 200—300 миллион пуд тўплашдир. Бунинг асосийси —туз... Сиз—туз Главкомисиз».

Ҳозирги вақтда инсоннят учун Ер юзида туз етарли миқдордадир. Катта ёшдаги одам бир кунда 15 граммгача туз истеъмол қилади. Бир йиллик нормаси эса 5 килограммдан кўпроқ. Аммо, иссиқ ўлкаларда ҳар бир кишига бундан 1,5—2 килограмм кўп туз керак бўлади. Мамлакатимизда 105 та туз кони аниқланган бўлиб, улар 100 миллиард тоннага яқин туз запасига эга. Туз табиий ресурслари эса бундан юз марта бойдир. Биргина Боскунчоқ конида бутун Ер юзидаги одамлар учун етадиган миқдорда туз олинади. Бу ерда бутун мамлакат учун керакли тузнинг 45 процентн олинади.

Ҳар йили озиқ-овқат саноати ва аҳоли 5 миллион тоннага яқин туз сотиб олади. Қолгани эса қишлоқ хўжалиги, кимё саноати, қора ва рангли металлургияда ишлатилади. Туз кислота, сода, совун, ипак, каучук, қоғоз, ойна, қимматбаҳо металлар, бўёқ, дори-дармонлар ва ҳоказолар тайёрлашда ишлатилади.

Уидан ташқари, ер юзаси музлаб усти яхлаб қолганда, автомобиль транспорти юришини енгиллатиш мақсадида йўлга туз ишлатилади. СССРда ҳар йили шу мақсадда 300 минг тонна туз сарфланади. Яна шуниси ҳам маълумки, туз ишлатиб қурилган йўл асфальт ва бетон йўллардан мустаҳкам бўлиб чиқди. Бундай йўлга иссиқ ёки совуқ ҳарорат, ёғингарчилик таъсир қилмайди, йўл ости чўкмайди.

Туз... Оддий нарса, аммо шундай оддий нарсаларсиз инсон яшай олармиди?

СПОРТ

ОЛИМПИАДА ОДИМЛАМОҚДА

26 август куни ГФР президенти Г. Хейнеман Мюнхендаги XX ёзги олимпия ўйинларини очиқ деб эълон қилди. Олимпиада машъаласи ёқилди. 122 мамлакат спортчилари дўстона ўйинларни бошлаб юбордилар.

27 август куни биринчи чемпион аниқланди. Бу шарафли номга швед спортчиси Рангнар Скананер сазовор бўлди. У тўппончадан ўқ отишда янги олимпия рекорди қўйиб голиб чиқди. Штангачилар баҳсини ўта енгил вазнли полвонлар бошлаб беришди. Бунда поляк полвони олтин медаль олди. Совет командаси бу вазнда қатнашмади.

Мусобақаларнинг биринчи кунидёқ кутилмаган натижаларни берди. Жумладан, Бразилия футболчилари биринчи саралаш ўйинида данияликларга ютқазиб қўйишди. Ҳисоб 2:3.

Бугун олимпиадада 8 та олтин медаль ўйналади. Баскетбол, бокс, классик кураш, қўл тўпи, сузиш, футбол ва ўт устида хоккейдан саралаш мусобақалари давом этади.

ЯНА 1:3

«Пахтакор» футболчилари Одесса шаҳрида «Черноморец»дан мағлубиятга учрадилар. Яна биринчи даврадаги ҳисоб қайтарилди. Бу сафар ҳам «Пахтакор» ҳужум қилди, бироқ имкониятлардан фойдалана билмади. Бу ўйинда ҳам «Черноморец» ҳужумчиси Шепель Пшеничниковни икки марта дарвоза қолдирди. Қолган бир тўпни Маслов, пахтакорчилардан эсаКузьмин киритдилар.

Карвонбошининг бу муваффақиятсизлигидан сўнг олий лига учун кураш кескинлашадиган бўлди. Чунки «Черноморец»дан ташқари турнирнинг юқори қисмида келаётган яна олти команда муваффақиятга эришди. Бу тур учрашувлари қуйидагича якунланди: «Ністру» — «Строитель» — 0:0. «Кривбасс» — «Помир» — 0:1. «Металлург» — «Олга» — 2:1. «Динамо» — «Торпедо» — 0:1. «Шинник» — «Спартак» — 2:0. «Текстильщик» — «Автомобилист» — 2:1. «Крилья Советов» — «Шахтёр» (Қараганда) — 5:1. «Звезда» — «Уралмаш» — 2:0. «Шахтёр» (Донецк) — «Металлист» 2:0.

ТУРНИР ЖАДВАЛИ

Командалар:	У.	Т.	О.
Пахтакор	26	46—19	39
Черноморец	25	48—23	35
Звезда	26	31—25	32
Шахтёр Д.	25	31—13	31
Шинник	25	27—19	31
Торпедо К.	25	34—19	30
Помир	26	33—33	29
Кр. Советов	26	26—25	27
Спартак О	25	28—28	26
Олга	26	27—21	25
Металлист	25	24—27	23
Шахтёр К.	26	27—36	23
Ністру	25	26—27	22
Автомобилист	25	20—27	22
Текстильщик	25	24—36	22
Строитель	26	24—40	22
Металлург	25	31—34	20
Динамо Л	25	18—31	19
Кривбасс	25	29—47	16
Уралмаш	26	19—43	14

Пахтакорчилар навбатдаги ўйинни 31 августда Кишиневда ўтказадилар.

ФИШЕРНИНГ ЭҲТИЁТКОРЛИГИ

Жаҳон чемпионлигига даъвогар Р. Фишер нейинги учрашувларда эҳтиёткорлик билан ўйнаб Спасскийнинг ҳужумларини совуққонлик билан қайтаришга муваффақ бўлмоқда. 18 ва 19-партияларда ҳам шундай бўлди. Ҳар иккала учрашув дуранг натижа билан тугади. Ҳозир ҳисоб даъвогар фойдасига 11:8.

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

10.55 — Кўрсатувлар программаси. 11.00 — «Талагай ботир». Болалар учун қўғирчоқ фильм (рус тилида). 11.15 — «Сенинг дўстларинг» (бадиий фильм, ўзбек тилида).

12.30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатувлар программаси. 18.00 — Ўсмирлар учун. «Очиқ эшиклар» (ўзбек тилида). 18.40 — «Ахборот» информацион программаси (рус тилида).

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.00 — Рангли телевидение. «ХХ ЁЗГИ ОЛИМПИЯ УЙИНЛАРИДА» (Мюнхендан олиб кўрсатилади).

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 21.00 — «Ахборот» информацион программаси. 21.25 — Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети. «Сабзавотчилик факультети», 22.30 — «МАРҲАБО, ТАЛАНТЛАР». СССР 50 йиллигига бағишланган халқ ижодкорлари телевизион фестивали. Қашқадарё область бадиий ҳаваскорлик коллективларининг чиқиши (такрорий кўрсатув).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

12.30 — Бадиий фильм (рус тилида).

18.05 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 19.00 — «Ваш клиберн чалади». 19.40 — Математика ўқитувчилари учун «Ленин дарсини қандай ташкил қилиш керак?».

Рус тилида: 20.20 — Новаторларнинг телевизион клуби. 20.55 — Реклама ва эълонлар.

21.00 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 — Реклама.

Ўзбек тилида: 20.05 — «Фронт орқасида» (телевизион фильм). 21.00 — «Дохунда» (бадиий фильм).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/VIII да Парвоз 31/VIII да Бой ила хизматчи.

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

СССРНИНГ 50 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИ ШАРАФИГА

31 АВГУСТ ВА 1 СЕНТЯБРЬ КЕЧ СОАТ 8 ДА

САНЪАТ УСТАЛАРИ ИШТИРОКИДА

КАТТА КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ДАВЛАТ «БАҲОР» ХАЛҚ РАҚС АНСАМБЛИ
ДАВЛАТ СИМФОНИК ОРКЕСТРИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ ХОР КАПЕЛЛАСИ, «ШОДЛИК», «ЛАЗГИ» АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИ

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК ТЕАТРИНИНГ ВАЛЕТ ТРУППАСИ
БЕРДАҲ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИ;

СССР халқ артистлари: ГАЛИЯ ИЗМАЙЛОВА, САОДАТ ҚОБУЛОВА;
Ўзбекистон ССР халқ артистлари: БЕРНАРА ҚОРИЕВА, БОТИР ЗОКИРОВ, КЛАРА ЮСУПОВА, САТТОР ЯРАШЕВ;
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Сасон БЕНЬЯМИНОВ, Гулсара ЕҚУБОВА, Қизлархон ДУСТМУҲАМЕДОВА, Муҳаббат ШАМАЕВА, Розалинда ЛАУТ, ВЯЧЕСЛАВ ГРИНЧЕНКО, Иброҳим ЮСУПОВ ва бошқалар.


Билетлар сотилмоқда.

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОНТОРАСИ

ТЕЗ КУНДА!

„ШИЖОАТ“

номли янги бадиий фильмини кинотеатр экранларига чиқаради



ФИЛЬМ ШАРҚ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ОЗОДЛИККА ЧИҚИШИ, УЗБЕК АЕЛИНИНГ МАЪНАВИЙ ЖИҲАТДАН УСИШ ПРОЦЕССИ ТЎҒРИСИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ.



«УЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

Сценарий муаллифи — КОМИЛ ЯШИН (Али Ҳамраев ва Дилшод Фатхуллин иштирокида).

Постановкачи режиссёр — АЛИ ҲАМРАЕВ.

ФИЛЬМДА: РУСТАМ САЪДУЛЛАЕВ, ТАМАРА ШОҚИРОВА, ҲАМЗА УМАРОВ, ДИЛОРОМ ҚАМБАРОВА ВА БОШҚАЛАР ҚАТНАШАДИЛАР.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 30/VIII да Қайнона, 31/VIII да Ажаб савдолар.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Ҳаводаги саргузаштлар (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Севги драмаси — НАВОИЙ номли (ўзбек тилида), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КЎКЧА», (кундуз ва кечқурун), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2, 4 ва кеч 6 да).

Даурия — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 12, 3, кеч 6 ва 8.45 минутда), «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Маржон тақдим ёримга — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Қароқчи-қарнялар — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 8 ва 10 да).

Петербург билан хайрлашув (кундуз соат 11.40 ва 3.30 минутларда). Гайдук Ангелнинг саргузашти (кундуз 1.50 ва 5.30 минутларда). — «МОСКВА».

5 «Б» дағи ғалати бола — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Балашин қўшиқлари — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда).

Кулгили қиз — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Севги драмаси —«ФЕСТИВАЛЬ».

Маржон тақдим ёримга — «ХИВА».

ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

ҲАР КУНИ

КЕЧ СОАТ 8 ДА

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ

КАТТА ДОР ЎЙИНЛАРИ

Дор тагида — Т. ТОЖИБОЕВ раҳбарлигида қизиқчилик, ёғоч оёқ ва от ўйинлари.

Ёш паҳлавон А. ЮСУПОВ. нинг чиқишлари.

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИГА ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИНИНГ ТОШКЕНТ БЎЛИМИ

«Минск-32» электрон-ҳисоблаш машиналари учун программачилар тайёрловчи курсларга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Жуковский кўчаси, 72-уй, телефон —33-99-13.

18-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1972-1973 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ: металл бўйича токарлар; механика-йиғув ишлари бўйича, автомобилларни тузатиш бўйича, саноат ускуналари бўйича, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича слесарлар: озиқ-овқат саноатининг технологик ускуналари созловчиларини тайёрлайди.

Ўқиш муддати — бир ва икки йил.

Билим юртига 8-синфни тугатган 15-17 ёшли йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқувчилар кунига уч маҳал овқат, кийим-бош, бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона ва кўрпа-тушак билан таъминланадилар.

Кирувчилар: ариза, 8-синфни тугатганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, 6 дона фотосурат, паспорт ёки метрикани топширишлари шарт.

Мурожаат учун адрес: Янгийўл шаҳри, Туркмансад, («Шаҳар бозори—ишчилар шаҳарчаси» маршрути бўйича автобус қатнайди). Телефон: 0-16 (2 қўнғироқ).

Тошкент область партия комитети аппаратининг партия ва касаба союз ташкилотлари область партия комитети инструктори М. А. Аҳмаджонова рафиқаси

Ойдин АБДУҚОСИМОВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64697. Р—04428. Б. 1824.